

O'zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Bog'ot tumanı  
**ҲОКИМI  
QARORI**



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
**ҲОКИМИ  
ҚАРОРИ**

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон қўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

20~~20~~ йил «4 » марта

№ 499а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Қадиров Муроджон  
Раззаковичнинг туар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Кўнабирлашув” маҳалласида яшовчи фуқаро Қадиров Муроджон Раззаковичнинг “Кўнабирлашув” маҳалласида жойлашган туар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 13 январдаги ХО-Қ-79-сонли аризасини, “Кўнабирлашув” маҳалла фуқаролар йигини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 13 январдаги № 96-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва туар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Кўнабирлашув” маҳалласида жойлашган 6 (олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 58,85 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 93,02 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 151,87 квадрат метр, қурилиш ости майдони 236,52 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу туар жой биносига нисбатан фуқаро Қадиров Муроджон Раззаковичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Қадиров Муроджон Раззаковичга ушбу туар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Қадиров Муроджон Рazzакovichga ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев